БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

# СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 238 (17.520). • 16 октябрь 1979 йил, сешанба • Баҳоси 2 тийин.

Сурхондарё области пахтакорлари теримда суръатни бўшаштирмаётирлар. Областда пахта хирмони кун сайин қад кўтармоқда. Ленин йўли районидаги Охунбобоев номли пахта пункти хўжаликлардан келган дурдонани пешма-пеш қабул қилиб оляпти. Пункт ходимлари пешона тери эвазига етиштирилган «оқ олтин»нинг бир мисқолига ҳам гард юқтирмаслик учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар. Пунктда бу йил 16 минг тонна пахта қабул қилиб олинади. Суратда: кун сайин кўкка бўй чўзаётган пахта хирмони.

Е. Ботиров фотоси.



**Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Ҳар бир иш жойида меҳнат унумдорлиги, самарадорлиги ва сифатини оширингиз! 1979 йил планини, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун курашингиз!**

(«КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ 62 ЙИЛЛИГИГА ЧАҚИРИҚЛАРИ»ДАН).

## ПАХТА-ВАТАНГА

### Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 15 октябрга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий тайёрланадиган пахтага нисбатан процент ҳисобида); тўртинчи устун — бир кунда машинада терилган пахта; бешинчи устун — мавсум бошидан буён (планга нисбатан процент ҳисобида).

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| Қашқадарё | 2,10 | 63,32 | 1,77 | 35,18 |
| Бухоро | 2,54 | 62,63 | 2,91 | 30,14 |
| Сурхондарё | 1,84 | 60,57 | 1,36 | 36,77 |
| ҚҚАССР | 3.04 | 61,43 | 3,34 | 44,48 |
| Сирдарё | 3,70 | 52,37 | 3,84 | 46,99 |
| Тошкент | 3,27 | 52,01 | 3,30 | 40,82 |
| Фарғона | 1,58 | 43,83 | 1,23 | 14,29 |
| Наманган | 2,08 | 41,44 | 2,44 | 33,63 |
| Хоразм | 2,20 | 40,27 | 1,75 | 21,71 |
| Андижон | 2,12 | 39,24 | 2,35 | 21,47 |
| Жиззах | 3,61 | 37,78 | 3,78 | 37,40 |
| Самарқанд | 2,02 | 20,65 | 1,50 | 8,78 |
| Республика бўйича | 2,39 | 47,19 | 2,44 | 30,33 |
| Шу жумладан ингичка толали пахта | | | | |
| Сурхондарё | 1,65 | 52,61 | 1,59 | 33,87 |
| Бухоро | 1,45 | 32,28 | 0,60 | 2,02 |
| Қашқадарё | 1,97 | 30,07 | 1,79 | 18,28 |
| Наманган | 1,00 | 25,16 | 2,14 | 11,67 |
| Республика бўйича | 1,72 | 43,75 | 1,58 | 26,28 |

# ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА

Совет халқи анъанавий байрам сифатида нишонлайдиган тарихий саналар жуда кўп. Лекин уларнинг биронтаси ҳам инсониятнинг капитализмдан социализмга жаҳоншумул бурилишини бошлаб берган афсонавий «Аврора» садолари жўрлигида диёримиз узра Октябрнинг музаффар байроғи кўтарилган ўша муқаддас кунга тенглаша олмайди. Ер юзидаги барча мамлакатлар меҳнаткашларининг қудратли ғоявий қуролига айланган бу байроқ, мана олтмиш икки йилдирки, империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси учун курашда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йўлбошчиси, жонажон Коммунистик партиямиз ва дунёда биринчи социалистик давлатимизнинг бунёдкори ва раҳбари Владимир Ильич Ленин тутқазган ана шу муқаддас байроқ остида совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлиги метиндек мустаҳкамланмоқда. Партиямиз ва совет халқи коммунистик қурилиш йўлидан янада олға қадам ташларкан, ана шу зафар байроғини тобора баланд кўтариб бормоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллигига куни кеча матбуотда эълон қилинган Чақириқлари совет кишиларини Коммунистик партиянинг улуғвор режаларини рўёбга чиқариш йўлида янгидан-янги зафарлар сари отлантирмоқда. Коммунизм қурилишининг етакчи кучи ҳисобланган Советлар мамлакатининг қаҳрамон ишчилар синфи, порлоқ келажакнинг актив бунёдкорлари — шонли колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари, социалистик Ватанимиздаги барча миллатлар ва элатлар тантанавор байрам арафасида ватанпарварлик ҳис-туйғуларининг, ақл-заковатининг ва ҳаракатларининг бирлигини, буюк Октябрь ғояларига чексиз содиқ эканликларини намойиш қилмоқдалар. Чақириқларда уларга қарата битилган қуйидаги сўзлар миллионлаб кишилар қалбида қизғин акс-садо бермоқда:

**— СОВЕТ ИТТИФОҚИ МЕҲНАТКАШЛАРИ! КПСС XXV СЪЕЗДИ ТАРИХИЙ ҚАРОРЛАРИНИ БАЖАРИШ УЧУН КУРАШИНГИЗ, РИВОЖЛАНГАН СОЦИАЛИЗМ ИМКОНИЯТЛАРИНИ ТУЛА-ТУКИС РУЕБГА ЧИҚАРИШГА ИНТИЛИНГИЗ!**

Партия шу кеча-кундузда мусобақанинг бутун бунёдкорлик кучини хўжалик ва маданий қурилиш соҳасида 1979 йил учун белгиланган планларини ва умуман ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш ишига сафарбар этишга даъват қилмоқда. Мамнуният билан шуни айтиш мумкинки, республикамиз саноати ва қишлоқ хўжалиги ходимлари улуғ байрамга, партиямизнинг бу Чақириғига жавобан муносиб совғалар ҳозирламоқдалар. Саноат маҳсулотлари реализация қилиш тўққиз ойлик топшириғи анча ортиғи билан адо этилди. Бир қатор муҳим объектлар қурилиб, барвақт фойдаланишга топширилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш соҳасидаги ютуқлар ҳам қувончли. Пилла, ғалла, сабзавот, мева ва узум тайёрлаш йиллик планлари анча ошириб бажарилди.

**— КОММУНИСТИК ҚУРИЛИШНИНГ ОЛДИНГИ САФИДА БОРАЁТГАН ИЛҒОР КОЛЛЕКТИВЛАРГА, БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИГА ШОН-ШАРАФЛАР!**

Пахтакорларимиз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги шарафига алоҳида кўтаринкилик билан меҳнат қилмоқдалар. Ҳозиргача Ватан хирмонига салкам 3 миллион тонна пахта тўкилди. Бу йилги об-ҳаво ноқулайлиги оқибатида юз берган қийинчиликларни мардонавор енгишда уларга мадад берган омиллардан бири социалистик мусобақанинг ҳар қачонгидан кўра яхши уюштирилганлиги бўлди. Мусобақа жараёнида пахта усталарининг илғор тажрибалари ҳамма ерда кенг ёйилди, янги технология ва усулларни ишлаб чиқаришга жорий этиш тезлашди. Ҳақли равишда шуни таъкидлаш кераки, бу йил республикамиз пахта далалари умумхалқ социалистик мусобақасини ташкил этиш, унинг оммавийлигини ва ошкоралигини, натижаларни таққослаш ва илғор тажрибаларни такрорлашнинг чинакам майдони бўлди.

Бугина эмас, мусобақа айни чоғда меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг, уларни давлат ва жамият ишларини бошқаришга кенг жалб этишнинг, социалистик демократияни тағин ҳам ривожлантиришнинг бирдан-бир муҳим воситаси ҳамдир. Шунинг учун ҳам меҳнат коллективларида партиямизнинг доҳиймиз Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 110 йиллигини муносиб кутиб олиш учун, ленинчасига, коммунистчасига яшаш, ишлаш ва курашиш учун чақириғи баланд кўтаринкилик руҳида кутиб олинди.

Партиямиз совет кишиларини, айниқса, ёш авлодни тарбиялаш ва уни коммунистик жамиятнинг актив, онгли бунёдкорлари қилиб тарбиялаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилиб келмоқда. Чақириқларда касаба союзлари ва Ленин комсомоли, фан, адабиёт ва санъат, маданият ходимлари ва шавкатли совет жангчилари шаънига, пионерлар ва мактаб ўқувчиларига, шонли совет хотин-қизларига, ўрта ва олий мактаб ходимларига, ёшларнинг мураббийлари бўлган революция, уруш ва меҳнат ветеранлари шаънига айтилган сўзларни ҳар бир совет граждани социализмнинг буюк ғалабаларини кўз қорачиғидай асраш, социалистик Ватан бойлиги, унинг обрў-эътибори ва куч-қудратини янада ошириш ҳамда мустаҳкамлаш, унинг муносиб гражданларини тарбиялаб, вояга етказиш юзасидан ўзи учун ҳаракат программаси деб қабул қилмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси инсоният тарихида янги даврни — дунёни социалистик ўзгартириш даврини бошлаб берди. Унинг буюк ғоялари асрлар бўйи мустабид тузум исканжаларида эзилиб, қашшоқлик ва ҳақ-ҳуқуқсизлик тутқуни бўлиб келган мазлум халқларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун курашига туртки берди. Бугун биз бу курашда ғалаба қозониб, социалистик қурилишни жадал давом эттираётган ва янги жамият қуриш йўлига ўтган дўстларимизга, шунингдек, капиталистик мамлакатлар эксплуатациясига, мустамлакачиликка, монополиялар зулмига қарши, демократия ва социал тараққиёт учун мардона курашаётган барча халқларга алангали салом йўллаймиз.

Бу йилги байрам Совет Иттифоқи тинчлик ва халқлар хавфсизлигини мустаҳкамлашга, халқаро кескинликни юмшатиш, қуролланиш пойгасини тўхтатиш ва қурол-яроғларни қисқартириш юзасидан янги ташаббуслар кўтариб чиқаётган бир даврга тўғри келди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев ГДРнинг 30 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда таъкидлаганидек, бизнинг мамлакатимиз Европада ҳарбий кескинликни юмшатишни таъминлаш мақсадида Марказий Европадаги совет қўшинлари сонини бир томонлама қисқартиришга қарор қилди. Жаҳон халқларига озодлик, тинчлик ва социал тараққиёт йўлларини кўрсатиб берган буюк Октябрь байрами арафасида партиямиз яна бир марта ҳозирги замоннинг уч асосий революцион кучи — жаҳон социализми, халқаро пролетариат ва миллий озодлик ҳаракатлари бирлигини мустаҳкамлашга, империалистик зўравонликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши, халқаро кескинликни юмшатиш жараёнини чуқурлаштириш учун курашга чақиради:

**— ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ, ҚУРОЛЛАНИШ ПОЙГАСИНИ ТУХТАТИШ УЧУН, ҚУРОЛСИЗЛАНИШ УЧУН, ЯНГИ ЖАҲОН УРУШИ ХАВФИНИ ТУГАТИШ, ХАЛҚАРО КЕСКИНЛИКНИ ЮМШАТИШНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ УЧУН КУРАШНИ КУЧАЙТИРИНГИЗ!**

**ХАЛҚЛАР ТИНЧЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИНИНГ ДУШМАНЛАРИ БУЛГАН ИМПЕРИАЛИЗМ ВА ГЕГЕМОНИЗМ, МИЛИТАРИЗМ ВА РЕВАНШИЗМ КУЧЛАРИ КИРДИКОРЛАРИНИ ФОШ ҚИЛИНГИЗ!**

Халқимиз шонли сана — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллигини зўр шоду хуррамлик Советлар мамлакати учун фахрланиш ва порлоқ истиқболга комил ишонч ҳислари билан тўлиб-тошган ҳолда кутиб олмоқда. Бугун миллионлаб совет кишиларининг тилида қуйидаги сўзлар янада баландроқ жарангламоқда:

**— МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ ОСТИДА, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАҲБАРЛИГИДА — КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ ОЛҒА!**

*РЕСПУБЛИКА МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ:*

ОЛТИН ҚЎЛЛАР ЖАСОРАТИ

# МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — УЛУҒ ОКТЯБРЬ ЮБИЛЕЙИГА

ҚУРИҚ БАХОРИСТОН РАЙОНИ ПАХТАКОРЛАРИ РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ БУЛИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ ХАЛҚ ХУЖАЛИК ПЛАНИНИ ШАРАФ БИЛАН БАЖАРДИЛАР. ОНА-ВАТАНГА 14250 ТОННА «ОҚ ОЛТИН» ТОПШИРИЛДИ, ШУНДАН 10 МИНГ 690 ТОННАСИ МАШИНАЛАР БИЛАН ТЕРИБ ОЛИНДИ.

9-«А» совхози коллективи районда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш топшириғини адо этди. Хўжалик меҳнаткашлари эл хирмонига 900 тонна «оқ олтин» етказиб беришди, халқ хўжалиги планини 300 процент бажаришди. Совхоз баҳодирлари яна 100 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

Район меҳнаткашларининг ғалабасига «ВЛКСМ XVII съезди» совхози коллективи катта ҳисса қўшди. Улар тайёрлов пунктларига 7 минг тонна биринчи сорт пахта етказиб беришди. Бу ерда ўн минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиш учун кураш қизғин бормоқда.

БАҲОРИСТОНЛИК АЗАМАТ ПАХТАКОРЛАРНИНГ БУНДАН БУЁНГИ ИШЛАРИДА ҲАМ УЛКАН ҒАЛАБАЛАР ҲАМИША ЁР БУЛСИН! 25 МИНГ ТОННАЛИК «ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИНИ БАРПО ЭТИБ, ОКТЯБРНИНГ 62 ЙИЛЛИГИНИ МУНОСИБ СОВҒА БИЛАН КУТИБ ОЛИШЛАРИДА МУВАФФАҚИЯТЛАР ТИЛАЙМИЗ!

**Пахтакорлар ва уларнинг кўнгилли кўмакчилари КПСС Марказий Комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 62 йиллиги Чақириқларига зарбдор меҳнат билан жавоб бермоқдалар.**

**Ўтган куни республикада 134777 тонна пахта тайёрланди. Бу бултур шу кунда тайёрланган пахтадан 45 минг тонна кўпдир.**

**Сирдарё области пахтакорлари юксак суръатни таъминлашяпти. Бу ерда техникадан оқилона фойдаланиляпти. Областда тайёрланган 13937 тонна пахтанинг 11891 тоннаси машиналарда териб олинди. Бир агрегатнинг ўртача кунлик унуми 4 тоннани ташкил этади. Йиғим-теримда поток усулини кенг жорий этаётган Жиззах области пахтакорлари бир кунда 3,61 процент пахта топширдилар.**

**Тошкент области ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари кунига 3 процентдан ошириб пахта топширмоқдалар.**

Қашқадарё областида ҳар бир машина билан 1,6 тонна, Сурхондарё областида 2,2 тонна, Наманган областида 2,6 тонна пахта териб олинмоқда. Бу анча пастдир.

**Ҳосил йиғим-терими мусобақаси авж олаверсин! Мавсум пешқадамлари эришган ютуқлар —«оқ олтин» тайёрлаш суръатини оширишнинг намунаси ва асосидир!**

### МАРРА 46 ЦЕНТНЕР

**Бухоро область Ромитан районидаги йирик хўжалик — «Октябрь 50 йиллиги» совхози 12300 тонна пахта топшириб, йиллик планни бажарганлиги ҳақида рапорт берди. Ҳосилнинг 80 проценти —8600 тоннаси машиналарда териб олинди. Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Раҳим Нарзуллаев ва Ҳаловат Пирова каби механик-ҳайдовчилар ўз машиналари бункеридан 450 тоннадан дурдона бўшатишди.**

**Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Муяссар Барноева, Усмон Рамазонов, Теша Тошов, Мукаррама Фузайлова бошлиқ бўлимлар юксак натижаларга эришдилар.**

**Совхоз пахтакорлари ҳосилдорликни 50 центнерга етказиш учун курашмоқдалар.**

**Шу райондаги Ленин номли колхоз давлатга 4953 тонна «оқ олтин» топшириб планни адо этди. Бу ерда ҳосилдорлик гектарига 34 центнерни ташкил этди. Хўжаликда бу кўрсаткични 46 центнерга етказиш учун кураш кетмоқда.**

### МЕҲНАТ СОВҒАЛАРИ

Тўрткўл районидаги «Ленинизм» совхози коллективи байрамолди мусобақасини авж олдириб, йиллик пахта тайёрлаш планни бажарди. 1000 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 33 центнердан «оқ олтин» олинди. Сафарбой Назаров, Нургелди Турдиев, Абдураҳмон Муродов бошлиқ бригадаларда бу кўрсаткич 55—60 центнерга етди.

* * *

Сирдарё область Ильич районидаги Гагарин номли совхоз пахта тайёрлаш бўйича йиллик планни муваффақиятли бажарди. Чўлқуварлар мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширишни авж олдирмоқдалар.

Областда машина терими суръати ошмоқда. Масалан, Оқолтин районида бир машинанинг кунлик иш унуми 6,3 тоннани ташкил этди. Бу ерда бир кунда машина терими плани 7,1 процентга етказилди.

### МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

**Сурхондарё областида 204 та бригада ва 11 та бўлим социалистик мажбурият ҳисобига «оқ олтин» топширмоқда. Термиз районидаги «Гулбаҳор», Денов районидаги «Ҳазарбоғ» ва Ленин йўли районидаги Будённий номли совхозлар ҳамда Термиз районидаги Куйбишев номли колхоз кунига 3 процентдан ошириб пахта топширмоқда.**

**Ленин йўли районидаги Ленин номли совхоз механизатори Хурсанд Бинаев ҳозиргача 652 тонна пахта терди. У Октябрь байрамигача яна 150 тонна «оқ олтин» териб бериш мажбуриятини олди, моҳир механизаторнинг кунлик иш унуми 13 тоннани ташкил этяпти.**

**Областда кўпмингкилограммчилар мусобақасида анчагина теримчилар қатнашмоқда. Шўрчи районидаги «Ленинград» колхозидан Мукаррама Қурбоналиева, Охунбобоев номли колхоздан Гулнора Ҳайдарова, Денов районидаги Жданов номли колхоздан Улғузи Чоршанбиевалар кунига 200—230 килограммдан пахта теришяпти.**

**Бироқ, Сурхондарёда барча резервлар ишга солинмаган, чунончи, Сариосиё ва Жарқўрғон районларида терим техникасидан ёмон фойдаланиляпти. Бу жойларда мавжуд машиналарнинг 25-30 проценти ишлатилмоқда.**

**Шўрчи районидаги «Ширин» совхозида кунлик ўсиш базур 1 процентдан ошяпти. Денов районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин.**

### ПЛАН ТЎЛДИ

Тошкент область Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозида йиллик план бажарилди. Давлатга 3250 тонна пахта топширилди. Бу ҳосилнинг ҳаммаси машиналарда териб олинди. Мавсумда 25 та терим машинаси қатнашяпти, уларнинг ўртача иш унуми 130 тоннани ташкил этди. Сервер Усейнов 250 тонна «оқ олтин» терди.

КПСС Марказий Комитети Чақириғидан илҳомланган хўжалик пахтакорлари 50 центнерлик марра учун курашмоқдалар.

Бекобод районидаги «Ленинград» совхози чўлқуварлари ҳам 2500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 16,8 центнердан пахта олиб, планни бажардилар.

### РАПОРТЛАР ОҚИМИ

**Наманган областида 20 бригада мажбурият ҳисобига пахта топширмоқда. Наманган районидаги Оржоникидзе номли колхознинг Дарвешали Ҳасанов бошлиқ бригадаси коллективи катта ғалабани қўлга киритди. 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 38 центнерда ҳосил олинди, унинг 80 проценти машиналарда йиғиштириб олинди. Бригада деҳқонлари партия Чақириғидан руҳланиб, 60 центнерлик маррани кўзлаяптилар.**

### КУНИГА 5 ПРОЦЕНТДАН

Андижон область Бўз райони пахтакорлари кунига 5 процентдан ҳосил топширишяпти. Механик-ҳайдовчи Абдупаттоҳ Солиев ўтган якшанба куни 30 тонна пахта терди. Илғор механизатор терган пахта ҳозиргача 300 тонна бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ ҚУВА ШАҲРИНИ ОБЛАСТГА БЎЙСУНУВЧИ ШАҲАРЛАР КАТЕГОРИЯСИГА ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Фарғона область Қува шаҳрининг иқтисодий ривожланиш истиқболини ва аҳоли сонининг кўпайишини назарда тутиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Халқ депутатлари Фарғона область Совети ижроия комитетининг илтимоси қондирилсин — район бўйсунишидаги Қува шаҳри областга бўйсунувчи шаҳарлар категориясига ўтказилсин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.**

1979 йил 15 октябрь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ Б. Ғ. ОЛИМЖОНОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Совет ва маъмурий органларда кўп йиллар самарали ишлаганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми юридик бўлимининг мудири ўртоқ Баҳодир Ғуломович **Олимжонов** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси И. УСМОНХЎЖАЕВ.**

**Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. ПУЛАТОВА.**

1979 йил 15 октябрь. Тошкент шаҳри.

# ЁҚУБ БОРУХОВ НОМЛИ УЧАСТКАДА

«Коммунизм» колхози Сирдарё районидаги юқори ҳосилли, кўп тармоқли хўжаликлардан бири. Бу хўжалик ўзининг ажойиб анъаналарига эга. Улуғ Октябрь революциясидан сўнг Мирзачўл бағрига бепоён мамлакатимизнинг турли томонидан кўчиб кела бошлаган деҳқонлар коллективлаштириш даври бошлангач, ўзларининг дастлабки ширкатини туза бошладилар. Янги коллектив хўжаликка ўшанда Самарқанддан Мирзачўл қуйнига отилган яҳудий йигити Ёқуб Борухов бир овоздан раҳбар қилиб сайланди. 1930 йилдан бошлаб то 1951 йилгача ана шу хўжаликка раислик қилди. Мирзачўлнинг қолоқ участкаларидан бирини ўзлаштириш ва обод этишда актив қатнашди. Ёш хўжаликни ҳар тарафлама юксалтириб, донг таратишда бош-қош бўлди.

Барча қобилиятли, жонкуяр раҳбарлар каби Ёқуб Борухов ҳам одамлар қалбида ўчмас из қолдира билди. Шу-шу кўп йиллар ўтса ҳам, «Коммунизм» колхозининг кекса-ю ёши унинг номини ҳурмат билан тилга олади. Хўжалик меҳнат аҳлининг илтимосига биноан яқинда колхоздаги энг йирик ва марказий участка ҳисобланган биринчи участкага шу колхознинг дастлабки раиси Ёқуб Боруховнинг номи берилди. Бундан кекса деҳқонлар ғоят мамнун бўлишмоқда.

— Ҳозирги авлод оталар бошлаб берган улуғвор ишларни шараф билан давом эттирмоқда, — дейди колхоз правлениеси раиси Яҳё Сараджиев — Кекса авлоднинг фидокорлиги туфайли хўжалигимиз ўша даврдаёқ Мирзачўлнинг обод жойларидан бирига айланган эди. Бугунги кунда ҳам Сирдарё областидаги илғор хўжаликлар сафида бормоқда.

Раис ҳақ гапни айтди. «Коммунизм» колхози дастлабки ташкил этилган пайтдагига нисбатан деярли ўн баравар кенгайиб, экин майдони 1700 гектарга етди. Хўжалик меҳнат аҳли бу йил 1173 гектар ерда «оқ олтин» етиштирмоқда. Уларнинг мақсади — ҳар гектар ердан пландаги 33,8 ўрнига 45 центнердан ҳосил олиб, она-Ватанга 5000 тоннадан зиёд пахта етказиб беришдир. Етиштирилган ҳосилнинг деярли 80 проценти машиналарда йиғиштириб олинади. Ҳозир колхоз далаларида 26 «зангори кема» ишлаб турибди.

Биз Ёқуб Борухов номли участка далаларида бўлдик, бу ердаги йиғим-теримнинг бориши билан танишдик. Илғор колхозчилар, механизаторлар билан суҳбатлашдик. Бу участканинг 740 гектар экин майдони бор. 520 гектарда пахта етиштирилаётир. Участка меҳнат аҳлининг бу йилги марраси — 45 центнер! Бу ерда кунлик терим суръати юксак. Биз колхозга келган куни кейинги беш кунликка якун ясалаётган экан. Борухов номли участкадаги учинчи бригада коллективи ғолиблар орасидан ўрин олди. Етти йилдан буён бригадага уста пахтакор, тажрибали механизатор Ислом Гайдаров раҳбарлик қилиб келяпти. Бу бригада кунига йиллик планнинг 5—6 проценти миқдорида пахта тайёрлаб, давлатга топшираётир.

— Бу йилги ҳосилнинг салмоғи яхши, — дейди бригада бошлиғи, — икки теримдан ўрта ҳисобда 34—35 центнердан ҳосил оляпмиз. Бу йил 79 гектар ернинг ҳар гектаридан 45 центнердан хирмон кўтаришга сўз берганмиз.

Бундай юқори ҳосилли бригадалар участкада оз эмас.

— Коллективимиз кўп миллатли, — дейди шу участкадаги 6-бригада бошлиғи Меҳмон Фозилов, — бизнинг 92 гектар еримиз бор. Маррамиз — 50 центнер! Ана шу хирмонни барпо этишда саккиз миллат вакиллари иштирок этмоқда.

«Коммунизм» колхозида ўн саккиз миллат вакиллари бир оила фарзандларидек яшаб, хўжаликни обод ва фаровон қилиш, экономикасини мустаҳкамлаш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Улуғ Октябрь байрами кунигача план ва мажбуриятларни ошириб адо этиш — колхоз меҳнат аҳлининг мақсади.

**А. УМАРОВ,**
**«Совет Ўзбекистони» мухбири.**

# Ҳ. АСАД МОСКВАГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан Араб Социалистик уйғониш партиясининг Бош секретари, Сурия Араб Республикасининг Президенти Ҳафиз Асад Сурия партия-ҳукумат делегациясига бош бўлиб расмий дўстона визит билан 15 октябрь куни Москвага келди.

Внуково аэродромида Ҳ. Асадни ва делегация аъзоларини КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

(ТАСС).

### ЯСП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ, ЯХДР ОЛИЙ ХАЛҚ КЕНГАШИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ РАИСИ АБДИЛ ФАТТОҲ ИСМОИЛНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ҚИЛАДИГАН ВИЗИТИГА ДОИР

Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий халқ кенгаши Президиумининг Раиси Абдил Фаттоҳ Исмоил КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг таклифига биноан шу йил октябрь ойининг охирида дўстона расмий визит билан Совет Иттифоқига келади.

